



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 23 август
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 167 (2729)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

«Пахта-2001»



ОҚ ДЕНГИЗ МАВЖИ

20 августда машина терими бошланганини эшитганми-сиз? Биз буни ўз кўзимиз билан кўрдик...

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкатлар уюшмасида бу йил мавжуд 2600 гектар пахта майдонининг 2000 гектаридоги ҳосил «зангори кема»лар ёрдамида саранжомланади. Бошқача айтганда, 4,5 миң тонна «оқ олтин» бункерлардан тўқилади.

дулла Саидов. — Қувончлиси, Шухрат Холназаров, Ҷули Хўжамуродов, Ражаббой Сафаров, Зокир Тўхтамуродов каби ижарачилар шартнома режаларини бугунга қадар бажардилар. Бу жамоаларда ҳосилдорлик 37-38 центнерни ташкил этди.

Олий Мажлис сессияси олдидан

Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг фаолият юритаётганига эндигина бир йилдан ошган бўлса-да, ўтган муддат давомида у нисбатан фаол ва самарали ишлади.

Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ, Нарзулла РАВШАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: «Жейнов» ширкатлар уюшмаси раиси Муродулла Саидов ва ижарачи Зокир Тўхтамуродов пахтазорда: далада иш қизғини.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин: а) аёллар; б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар; в) ногиронлар ва жазони ўташга тўқсанлик қиладиган оғир касалликка чалинган шахслар; г) оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари 55 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқаролари.

хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 247-моддасининг 3-қисми, 248-моддасининг 3-қисми, 271-моддасининг 3-қисми, 272-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 4, 5-қисмлари), шунингдек, ўта хавфли рецидивистларга; в) 3-7-моддалари — террористик, экстремистик ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг аъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга жазони нисбатан жазони нисбатан муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишига чин қўйилган пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳолларда қўллашни мумкинлиги белгилансин.

Сермахсул ва самарали

Қўмита раиси Акмал Саидовнинг маълумотларига қараганда, мазкур қўмита фуқаролик жамиятига ўтишини ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қўнуларни ишлаб чиқишга далайят этилган. Қўмита, асосан учта, яъни қўну ижодкорлиги, амалдаги қўнуларни назорат ва таҳлил қилиш, турли талбирлар ўтказиш ва ҳамкорлик фаолияти билан шуғулланади. Ва ана шунга мувофиқ, қўмита тайёрлаган қўнуларни ҳам уч йўналишга бўлиш мумкин: булар — демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид қўнулардир. Бундан ташқари, қўмита ҳузурида ҳар бир йўналишга мусоҳаба депутатлар ва мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи ҳам тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармониغا ШАРҲ

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Мустақиллик кунини байрам қилиш арасида илгари содир этган жиноятлари учун жазога маҳкум этилиб, кейинчалик ўз айбига иқдор, қилмишларидан эса астойдил пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш афсонага айланган.

Истиқлолнинг 10 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан, амнистияга тушадиган маҳкумлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Фармон турли жиноятга қўл уриб, жазога маҳкум этилган 50 миңдан ортиқ фуқаролар қамраб олади. Озодликдан маҳкум этиш жойларидан 25 миңдан ортиқ маҳкум озод қилинади. Улар орасида учта оғир бўлмаган жиноятларга қўл урган ҳамда эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганлар, аёллар, вояга етмаганлар ва кексалар кўпчилигини ташкил қилади.

энди ўз оиналарига қайтади. Жазо ўташ жойларидан вояга етмаган ёшида жиноятга қўл урганларнинг қарийб 85 фоизи, шунингдек, ногирон ёки жазони ўташга тўқсанлик қиладиган оғир ҳасталикка чалинган шахсларнинг яримдан кўпроги озодликка чиқарилади. Мазкур Фармонга мувофиқ, аёллар, вояга етмаганлар ва ногиронларга нисбатан олиб бериладиган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар, баъзи жиноятлар юзасидан олиб бериладиган ишларни истисно қилган ҳолда, тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида

Бетакор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт тараққийоти, халқимиз маънавиятининг юксалишига бағиш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, уларнинг Ватан олдидagi унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

- Лутфиҳоним Саримқова — Ўзбекистон халқ артисти
- Мукаррама Турғунбоева — Ўзбекистон халқ артисти
- Шукур Бурҳонов — Ўзбекистон халқ артисти
- Тамарахоним (Петрова-Тамара Артёмовна) — Ўзбекистон халқ артисти
- Садриддин Айний — ёзувчи
- Мақсуд Шайхзода — Ўзбекистон санъат арбоби, шoir, драматург
- Миртемир (Турсунов Миртемир) — Ўзбекистон халқ шоири
- Мирқарим Осим (Осимов Мирқарим) — ёзувчи
- Урол Тапсикбоев — Ўзбекистон халқ rassоми
- Чингиз Аҳмаров — Ўзбекистон халқ rassоми
- Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов — ҳофиз
- Маннон Уйгур (Маждидов Маннон) — режиссёр
- Кузнецова Мария Александровна — Ўзбекистон халқ артисти
- Аббос Бакиров — Ўзбекистон халқ артисти
- Уста Ширин Муродов — Ўзбекистон санъат арбоби, ганҷкор уста
- Наби Ғаниев — кинорежиссёр
- Муроджон Аҳмедов — Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 август.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ


Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириши ва унинг самарали фаолият кўрсатиши учун қўлай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом иловига мувофиқ тасдиқлансин ва у 2001 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин.
2. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда «бирйўл» принципи бўйича амалга оширилади.
- Белгилансинки: аудиторлик ва сугурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек, хоржий инвестициялар иштирокидаги қорхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган бозорлар — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан; хоржий инвестициялар иштирокидаги қорхоналар ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган бозорлар — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари томонидан; барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хоржий сармоя иштирокидаги қорхоналар, ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи қабатларида қўрилганлардан ташқари — туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади ва ҳисобга қўйилади.
- Адлия органлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари 2002 йил 1 январьгача, улар томонидан илгари рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини, мансублигига қўра, юқорида қайд этилган рўйхатдан ўтказувчи органларга топширишлар. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларининг топширилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинсин.
- Белгилансинки: рўйхатдан ўтказилган

И. ХУДОЁЕВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Навнихолларга «Ниҳол» омад келтирсин



Достон УБАЙДУЛЛАЕВ — Тошкент Давлат Маданият институтини талабаси.
— Ҳақиқатан, ҳаяжонданман ҳозир... Эсимни таниманки, санъаткорлар орасиданман. Балки шу учундир қариндош-уруғларимиз ҳам «Танглайини ашула айтиб кўтаришган бунинг», дея ҳазил-мутойба қилишади. Очиғини айтсам, бу гап ўзимга ҳам ёқди. Чунки бу кун «Ниҳол» совриндори бўлишдек бахт замирида мени ҳаммиша қўраб турган шу санъаткорларнинг

Мамлакатимизда ёш истеъдод эгаларининг ижодини ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга хизмат қилувчи «Ниҳол» мукофотининг Юртбошимиз ташаббуси билан ўтган йили таъсис этилгани иқтидорли йигит-қизларимиз санъати, овозининг олам бўйлаб таралишига кенг йўл очяпти, десак муболага бўлмас. «Халқлар дўстлиги» саройида ўтган кунни бўлиб ўтган 10 нафар совриндорни тақдирлаш маросимидagi ёш истеъдодларнинг ҳаяжони, қувончини... Уни кўз билан кўриб, дилдан ҳис этиш нақадар қувончли.



Ўғитлари, насиҳатлари, йўл-йўриқлари ётганини яширолмаймам. Уларга ҳаммиша таъзимдаман.
Ирода ЙУЛДОШЕВА — Тошкент Давлат санъат институтини талабаси.

— Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ниҳол» мукофоти эндигина ўсиб келаётган биз, ёш санъаткорларнинг янада ўсиб-ўлғайишимиз учун катта имкониятидир. Арзимас меҳнатимиз эъзига берилган «Ниҳол» катта дароҳт бўлиб мевасини берса, дейман. Қаранг, совриндаги бу ажойиб кўллар қанотга ўхшади. Илоҳим, биз ҳам мовий уфқлар сари қанот қочиб учайлик.

киши дилмига солган санъатга меҳр-муҳаббат натижаси бу мукофот. Бу мен учун катта бахт.

Наргиза ҚАРШИБОВА — «Тановар» рақс ансамбли раққосаси.

— Рақс санъатининг маликаси, устоз Мукаррама Турғунбоевага ўхшаш раққоса бўлишни орзу қилмаган санъаткор бўлмас керак. Ниятим шу опадек ўзбек миллий рақс санъати довергини оламга ёйиш. Бугунги мукофот эса менинг ана шу мақсадидаги етишдики дастлабки қадам, деб биламан. Биз каби ёшлар ижодига рағбат бўлувчи бундай мукофотнинг таъсис этилганидан Юртбошимизга қўллуқ қиламиз.

Совриндор бўлиш, мукофот олиш ҳар бир санъаткорнинг орзуси. Шу кун «Ниҳол» мукофотига сазо-

вор бўлган ўн нафар ёш истеъдод эгаларининг тилида ҳам, дилида ҳам орзулари, тилаклари бисёр эди. Бу уларнинг юз-кўзидан шундоққина сезилиб турарди. Улар халқи учун хизмат қилишни, она дийримиз — хур Ўзбекистоннинг тенгсиз санъатини оламга ёйишни орзулаган ёш навнихоллардир. Парвозингиз баланд бўлаверсин, «Ниҳол»чилар!

Умидда **РАҲМАТ** қизи, **Гофур ЖАБИЕВ**, «Жалқ сўзи» мухбирлари. **Абдувоҳид ТУРАЕВ** (ЎзА) олган суратлар.

Шахмат

Соврин меҳмонларда кетди

Намангандаги «Шоҳрух» клубида Ўзбекистоннинг биринчи гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган турнир бўлди. Республикаимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 68 нафар шахматчи «ақл жанглири»да мurosасиз баҳслашди. Лекин уларнинг ҳеч бири Қорақалпоғистоннинг Мангит шаҳридан келган Раҳматжон Раҳимовга ета олмади. У дастлабки турдан оқ пешқадамлик қилиб, 9 имкониятдан 7,5 очко тўплади.

Фолибик шоҳсуласининг кейинги поғоналари самарқандлик Алишер Анорқулов, андижонлик Виктор Воронов, фарғоналик Алишер Рустамовларга nasib этди.

Қ.НАЖМИДИНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Биринчи даражали МАКСИМА

салони бурюрма бўйича Италия, Испания, Польшадан **ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА**

МЕБЕЛЛАРИ

ҳамда **РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЕРИТГИЧЛАРНИ** таклиф этади. Дид билан ишланган дизайн асосида каталог бўйича уйингизни жиҳозлаб берамиз. Ўзбекистон бўйича элтиб ҳамда йиғиб берамиз.

Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5. Тел. (371) 144-27-15. Дам олиш кунисиз ишлаймиз.

Мити ҳажвия

«Неча йил ўқийсан?»

(Ҳазил)

Ўтказамиз, диссертация ёзамиз.
Оқсоқол яна анча ўсоқчилаб суриштирди, тушунтиришга ҳаракат қилдим. Охири яна сўради:
— Неча йил ўқийсан узин?
— Уч йил.
— Э, болам-а, шунча бошимни айлантирмай, техникумда ўқийман, деб қўйқолсанг-ку бўларди-ку!

Ҳабиб СИДДИҚ
Андижон.

«ПАРВИНА» КОМПАНИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ МУСТАҚИЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.

ШУ ҚУТЛУГ БАЙРАМ ШАРАФИГА ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- МУЗҚАЙМОҚЛАРНИНГ 30 ТУРИ:
- эскимонинг 15 хил кўриниши,
- 6 турдаги қадоқланган,
- 6 хил вафли стаканли ва бошқалар.

ПАЛТКАПИ ШОКОЛАД: БЕЗАКЛИ ҚИЁМ: шоколадли, мевали, цитрусли, суғли.

«ПАРВИНА» (янгилик).

2001-2002 йилда маҳсулотлар етказиб бериш учун шартномалар тузилмоқда.

Маҳсулотларни транспортда етказиб бериш имконияти бор. Тўлов шакли - турлича. Нархлар жуда арзон.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, «Парвина» компанияси
e-mail: parvina@online.ru Самарқанд ш., Фирдавсий к., 6
Тел.: +(3662) 33-77-83, 33-02-82, 31-15-82. Факс +(3662) 33-49-02.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ «O'ZKO'RGAZMASAVDO» РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКА МАРКАЗИ

2001 йилнинг 25-26 август кунлари

«ҲОСИЛ БАЙРАМИ»

(Мева-сабзавотлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдо- ярмаркаси)

ЎТКАЗАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланадиган

Ярмарка-савдода республика вилоятлари вакиллари қатнашадилар. Бадиий гуруҳлар иштирок этадилар ва ҳар хил танловлар ўтказилади.

Ярмарка-савдога марҳамат қилинг!

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Беруний к., 41-уй (метронинг «Беруний» бекати). Иш вақти: 9.00дан 18.00гача.

Маълумот учун телефон: 144-43-13.

«АСАКА»

Банкининг Тошкент вилояти филиали

Сизларга янги, жаҳон тан олган банк хизмати турини таклиф қилади

ДЕПОЗИТ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ВА ДЕПОЗИТАР ЯЧЕЙКАЛАР

«Асака» банки депозит пластик карточкалари сизларга катта қулайликлар яратади. Пластик карточкалар орқали сиз хоҳлаган вақтда пулингизни олишингиз, савдо марказларида осон ва тез маҳсулот харид қилишингиз мумкин.

Пластик карточкаларнинг яна бир қулай томони шуки, унда сизнинг омонатингизга йилига 36% дан 42% гача даромад тўланади.

Депозитар ячейкалар — бу қимматбаҳо буюмлар, акциялар ва муҳим ҳужжатлар сақланадиган қутичалар.

Депозит қутичаларга қимматбаҳо буюмларни қўйилганда уларнинг рўйхати тузилмайди.

Энг муҳими, «Асака» банки сизнинг омонатингизнинг, тўлиқлигини кафолатлайди.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
тел: 120-84-04, 120-84-08, факс: 120-84-07
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, И. Оқилов кўчаси, 40-уй.

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 1998 йил 25 декабрда «Ал Джа Эр» МЧЖга, Чилонзор тумани, Х. Дўстлиги кўчаси, 52-уй биноси учун берилган 3-70/98-рақамли маълумотнома йўқолишини сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг жамоаси институт директорининг даволаш ишлари бўйича муовини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор Қўлаҳмат РИЗАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

«ОНИК» ОАЖ жамоаси ижрочи директор Ж. Салировка падали бузруқвори Ботир ота САЛИРОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАМПИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2715, 20397 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ.
Навбатчи — О. РАҲАБОВ.
Мусаҳҳих — Ш. МАНРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тиждат материалли.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилади — 5.00.
1 2 3 4 5 6